Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 18 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 70 (6767)

Даъват

Ақл ўрганмоқ учун бирор соатингни ҳам зое кетказма, ахир ақлни нодондан ҳам ўрганиш мумкин.

КАЙКОВУС

Ибрат

Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» жамоа хўжалигида янги барпо этилган маҳалладга «Устозлар» деб ном берилди. Яқин кунларда маҳалла кўчалари бўйлаб тарбиячи ва мураббийлар учун замонавий уйлар қурилади. Барча сарф-харажатларни хўжалик бошқаруви ўз зиммасига олди.

Муҳаррир минбари

ЁШ АВЛОДГА — ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ!

Яқиндагина мамлакатимизда Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг беш йиллигини бутун халқимиз тантанали нишонлади. Шонли сана муносабати билан Президентимизга, ҳукуматимиз раҳбарларига жаҳондаги энг нуфузли давлатлари, ташкилотлари раҳбарлари табрик хатлари йўллаб, халқимизга демократик жамият қуришда — бунёдкорлик ва тараққиёт йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. Бу Узбекистон мустақиллиги ва суверенитетининг, ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлининг шунчаки эътирофигина эмас, айни пайтда мамлакатимизда жамиятни демократиялаш борасида олга қадам ташланаётганлигининг халқаро эътибор топаётганлигидан далолатдир.

Ҳа, Узбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаб, жаҳондаги интеграциялашув жараёнига дадил кириб бормоқда. Шу боис Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ташкил этаётган кенг миқёсли тадбирлар мамлакатимиз шаҳарларида ҳам ўтаётир. Шу йил 11—13 сентябрда бу ташкилотнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» кенгаш-семинар Тошкентда бўлиб ўтди. Кенгаш-семинар иштирокчиларига Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мурожаат йўллаб, унинг самарали ўтишига муваффақиятлар тилади. «Биз амалга ошираётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири — давлат томонидан ҳам, ижтимоий тузилмалар фаолиятини жадаллаштириш билан ҳам инсон эрки ва ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг ишчан механизмини барпо этишдир. Инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг мониторинги ва бу жараён устидан назорат ўрнатишни таъминлайдиган миллий муассасаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади», — дейилади Мурожаатда.

Инсон ҳуқуқлари! Бу, аввало, Узбекистон Республикаси янги Конституциясида, фуқароликка оид қонунларида ўз ифодасини топгандир. Меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, давлат ва жамоат ташкилотлари ишида қатнашиш, хусусий мулк эгаси бўлиш, мавжуд муаммолар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин баён этиш, эркин диний эътиқод каби инсоний ҳуқуқлар асосий Қонунимизда кафолатлангандир. Бунинг учун давлатимиз жамиятимизда барқарорлик ва тотувликни сақлаб, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб, сиёсий тизимни ривожлантиришни жадаллаштириш билан фуқаролар демократик жамиятини барпо этиш йўлида бутун чора-тадбирларни кўраяпти. Узбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида 1993 йилда тасдиқланган тамойилларга содиқлигини намойиш этмоқда. Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний асослар , ҳуқуқий муассасалар яратилганлиги «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» кенгаш-семинаридаги маърузада ҳам қайд этилди.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодига асосланган очиқ демократик жамият қуриш мамлакатимизнинг бош мақсади экан, қонунчиликни мамлакатнинг барча фуқаролари, шу жумладан келажак эгалари — ёш авлод пухта билиши зарур. Чунки бугунги кунда республикамиздаги 9300 дан зиёд мактабда 5 миллион 250 мингга яқин, 458 та билим юртларида эса 217,4 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Уларга «Жамиятшунослик», «Узбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» сингари фанлардан сабоқ берилаётир. Таълим сифатини янада ошириш учун янги дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар чоп этилмоқда. Куни-кеча эса газетамизда мазкур фан бўйича тахминий мавзулар тавсияси эълон қилинди. Бу фанларнинг ўқитувчилари ўқувчиларга мавзуларни тушунтиришда халқаро эътироф этилган инсон ҳақ-ҳуқуқларини тавсифлашлари, мамлакатимизда бу борадаги жаҳон тамойилларига амал қилинаётганини далиллар асосида кўрсатишлари, Халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан, ЕХҲТнинг анжуманларида муҳокама этилган масалалар моҳиятини англатишлари зарур. Шунга эришиш лозимки, ёш авлод эгаллаган ҳуқуқий билимлар уларнинг жамиятдаги онгли иштирокининг замини, мамлакат ижтимоий ҳаётидаги кенг миқёсли янгиланишларда фаол иштирок этиш манбаи бўлсин. Зотан, бугун мактаб бағрида камол топаётган ўғил-қизлар умуминсоний қадриятларга асосланган демократия, эркинлик ва мустақилликнинг ҳимоячилари — келажаги буюк Узбекистоннинг эгаларидир. Улуғ бобомиз Амир Темур таъкидлаганидек, куч — адолатдадир. Адолат — қонунчилик эса ҳаётимиз, яшаш тарзимиз ва жамиятимиз асосидир. Буни ҳар бир ўғил-қиз чуқур англаши ва турмуш тарзида риоя этиши зарур.

Тошкент шаҳридаги А. Муродхўжаев номидаги мактаб ўқув йили совғаларидан ҳисобланади.

Янги мактабдаги ўқиш ҳам файзли бўлади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари юзларидаги шодмонлик ҳам дарсдан, ҳам мактабнинг нурафшон хоналари орқали зуҳур этиб турибди.

Р. Альбеков олган сурат.

ТАЛАБА ДАРОМАД ҚИЛАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети Талабалар шаҳарчаси маъмурияти савобли ташаббус билан чиқди. Талабаларнинг ўқишдан бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида бу ерда бичиш-тикиш, рақс, миллий қўшиқчилик ва театр студияси тўгараклари ташкил этилди. «Тўгаракда фаол иштирок этган «тикувчи» — талаба бу ердан яхшигина даромад қилиши мумкин», — дейди Талабалар шаҳарчаси директори А. Эргашев. Дарҳақиқат, талаба топган бу ҳалол даромад унинг дастурхонига барака киритади.

Н. ОЧИЛОВ.

Биржа нима? Бозор иқтисодида унинг қандай хизматлари бор? Бу ҳақда газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Республикаси ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг «Дойче банк АГ» банки бошқаруви аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Қабул асносида Узбекистон билан «Дойче банк АГ» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

● Пекин шаҳрида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимномаси бўлиб ўтди. У «Халқаро маданият» ноширлик корпорацияси томонидан Узбекистон Республикасининг Пекиндаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган «Ил — 114 Т» самолёти синов учишидан муваффақиятли ўтди.

● Қозоғистонда бюджетдаги меҳнат жамоаларининг молиявий таъминлашнинг янги ойлик тизими жорий этилди. Унга кўра бюджет ташкилотларини молиявий таъминлаш ишлари мамлакатнинг бюджет банки орқали амалга оширилиши керак.

● Жазоирда миллий яраш конференцияси сиёсий муаммоларни ҳал этишда зўравонликдан воз кечиш ҳақида баёнот қабул қилди. Ҳужжатда исломдан сиёсий мақсадларда фойдаланмаслик керак, дейилади.

● Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Туркия Президенти Сулаймон Демирэл билан Ироқ муаммоси ва бошқа минтақавий жараёнлар хусусида музокаралар олиб борди.

Халқ таълими вазирлигида

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ИШ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг йиғилиши 1996-1997 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг боришини атрофлича таҳлил қилиб, Республика бўйича тайёргарлик ишлари етарли даражада эмаслигини, баъзи вилоятларда эса қониқарсиз олиб борилаётганини таъкидлади. Вазирликнинг шу йил 3 майдаги 96-сонли буйруғи билан тасдиқланган тадбирларга амал қилинмаганлиги оқибатида ана шу ҳаволга йўл қўйилган. Далилий таҳлиллар кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Фарғона вилоятларида таълим муассасалари иситиш қозонлари ва тизимларини созлаш, синган ойналарни алмаштириш, бинолар томларини таъмирлаш ва иситиш тизимини кучли босим остида тозалаш ишлари 22-80 фоиз орасида бажарилган холос. Суюқ ёқилғи заҳираларини мавсумга ҳозирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида етарли даражада эмас. Аксарият вилоятларда газ ёқилғиси ҳисоблагичларини харид қилиш ва ўрнатиш ишларини поёнига етказиш пайсалга солиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Узбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган қишлоқ мактаблари қурилиши ва уларни фойдаланишга топшириш масаласига айрим вилоятларда зарур даражада эътибор берилмаётир. Жумладан, Андижон вилоятида йиллик режада 6780 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топшириш белгиланган ҳолда, шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида 1090 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилган холос. Мактаб бинолар қуриш бўйича йиллик режалар ўтган саккиз ойда Қашқадарёда 12 фоиз, Жиззах ва Навоийда 24 фоиздан, Фарғонада 32 фоиз бажарилган. Бу вилоятлардаги қурилиш ишларининг сустлигини қандай баҳолаш мумкин.

Ҳайъат мажлиси қарори билан кузги-қишки мавсумга тайёргарликда сусткашликка йўл қўйгани учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Т. Атамуротов, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Фарғона вилоятлари халқ таълими бошқармалари раҳбарлари С. Бахранова, Б. Шарипов, Р. Мусурмонов, А. Садинов ва Т. Қурбоновлар огоҳлантирилди. Вазирлик қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси (Р. Акрамов)га бу борадаги камчиликлар ўқдирилиб, тайёргарлик ишларини қаттиқ назоратга олиш топширилди.

Кузги-қишки мавсумга суюқ ёқилғи заҳираларини тайёрлаб қўйиш ишларини пайсалга солаётган вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига эътиборсизликлари таъкидланди ва ёқилғи жамғаришни жадаллаштириш, газ ҳисоблагичлари ўрнатиш ишларини зудлик билан амалга ошириш долзарб вазифа этиб топширилди.

Таълим-таъминот Бош бошқармаси (Б. Ҳамидов)га халқ таълими муассасаларини қўмир билан таъминлаш, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида сустлигини ҳисобга олиб, белгиланган муддатларда таълим муассасаларини қўмир билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек газ ҳисоблагичларини харид қилиш учун ажратилиши лозим бўлган маблағ масаласини ҳал этиш топширилди.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик бўйича Вазирлик қошида тузилган Марказий штаб аъзоларига 25 сентябргача ишлар қониқарсиз кетаётган вилоятларга бориб, амалий ёрдам кўрсатиш вазифа қилиб қўйилди.

Вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарларига қишлоқ мактаблари қурилиб, фойдаланишга топшириш режасининг бажарилишини жойлардаги пудратчи ва буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда таъминлаш чорасини кўриш юклатилди.

Ҳайъат мажлиси қабул қилган қарорда барча халқ таълими тизимидаги раҳбарларга 1996-1997 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари тугатилишининг қатъий муддати шу йил 1 октябрь эканлиги уқтириб ўтилди.

Мазкур қарорнинг ижроси бўйича назорат халқ таълими вазири ўринбосари М. С. Султонов зиммасига юкланди.

Ҳайъат мажлиси қарорида таълим муассасалари ва ўқув юртлари, тизимнинг бошқарув идоралари олдига қўйилган вазифалар Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 сентябрдаги «Республика халқ хўжалигини 1996-97 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёргарликни бориши тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадига йўналтирилгандир. Шунинг учун ҳам кузги-қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўриш халқ таълими тизими муассасаси раҳбарининг, бошқарув идораси етакчиларининг жадал ало этадиган долзарб ишларидан бўлмоғи зарур!

ИНСОНЛАР ЛИКОПЧАСИ

Москвада дунёнинг 14 давлати иштирокида украин ва рус физиклари яратган диаметри 270, бўйи 60 метрлик «Русс» ликопчасининг қургазмаси бўлиб ўтди. Олим Н. Розумов 10 млн. тонна юк, 800 киши билан космосда беш йил уча олувчи ракетадан астероидлардан никель, титан каби ноёб металларни олмоқчи.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

МАРСДА ҲАЁТ БЎЛГАНМИ?

деган саволни ҳал этиш учун Буюк Британия «Жорэлл Бенк» марказининг астрономлари Калифорния университети билан биргаликда илмий ҳамкорликни бошлаб юбордилар.

НАВБАТ ЮПИТЕРГА

АҚШ Миллий космос агентлигининг раҳбари Д. Голден берган шов-шувли ахборотга кўра, 1989 йили «қанот қоққан» «Галелео» зонди 400 млн. километрни ўтиб, Юпитер йўлдошларининг суратини юборди. Уларда йўлдошнинг ёриқлар пайдо бўлган қатламлари... оппоқ музлар кўриниб турибди.

ЕРГА ТУҚНАШГАН «САЙЁРА»

1908 йилдаги Тунгус водийсидаги кучли портлаш Хитой фанлар академияси олиб борган тадқиқотларга кўра қандайдир «ликопча» эмас, балки айнан айланаси 1 километрлик метеоритнинг урилиши сабабли юз берган. Метеоритда камёб иридий элементи кўп бўлган экан.

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР

кемасининг АҚШнинг Нью-Мексико шаҳри яқинидаги ҳалокати ҳақидаги фильмлар Лос-Анжелосдаги Миллий тадқиқот институтининг мутахасиси Л. Каллис, фикрича, ишонарли далил бўлолмайди. Топилган темирлар ерда кўп учрайдиган металлар экан.

Олий ўқув юртларида

БИЗ ШУНДАЙ ЎРГАНМОҚЧИМИЗ, СИЗ-ЧИ?

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси ҳам мустақиллик байрамини ўзига яраша ютуқлар билан кутиб олди. Мустақиллик йилларида ўқув услубий, илмий соҳаларда талайгина ютуқларга эришилди. Булар ҳақида республика ва халқаро миқёсда ўтказилган қатор илмий, амалий методик конференцияларда таъкидланган.

Шу кунларда институтимиз раҳбарияти курсатмасига мувофиқ кафедралар мажлисларида Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясида «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзуида сўзлаган катта ва сермазмун нутқларини батафсил ўрганиш ва талабаларга ўргатиш услубларини муҳокама қилмоқдалар. Жумладан, «Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш» кафедраси ўқитувчилари ҳам бу масалани катта қизиқиш билан муҳокама этдилар. Муҳокамада институт тарбиявий ишлар бўйича проректори Ш. У. Утегенов, доцентлар Э. А. Шомирзаев, А. А. Ашрабов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Кўпчиликнинг ягона фикри бўйича келажакдаги ҳаётимизни ҳал қилувчи таълим олаётган ёшларимизнинг барчаси учун Президентимиз маърузаларидаги олга сурилган ғояларни билиш ва унга амал қилишлари учун профессор-ўқитувчиларимиз йўл-йўриқ кўрсатиб беришлари лозим. Гарчанд кафедрадаги ўқитиладиган фанларга маъруза мазмунини боғлаш усуллари турлича бўлса-да, талабаларга тушунтиришда қўйидаги умумий муаммоларга аҳамият бериш жоиз деб ҳисобладик.

Аввало, мустақиллик яратиб берган имкониятлар — табиий бойликларимиздан, инсоний, ишлаб-чиқариш, интеллектуал ресурсларимиздан ҳамда юртимиз салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, халқаро муносабатларни ривожлантириш, мустақиллик иқтисодиётини ўстириш, демократик қадриятларни илдиз отаётгани хусусида сўзлаш керак.

Беш йил тарих учун жуда оз муддат эканлигини уқдириб, мана шу муддатда бошқа мамлакатлар ўн-юз йиллаб босиб ўтган йўлни Узбекистонимиз босиб ўтганлиги ҳақида жонли мисоллар билан гапириб берилади. Шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига халқимиз бардош берганлиги тушунтирилса, талабалар онгида ўз миллати, Ватани, халқи меҳнатсевар эканлигини англайди ва уларда ватанпарварлик ғурури жўшади.

Мамлакатимиз 5 йил давомида эришган натижа ва якунлар атрофлича таҳлил этилганлигини кўрсаттанда фаолиятимизнинг алоҳида соҳалари (Ижтимоий-сиёсий, Иқтисодий, Ижтимоий-маънавий, Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий) бўйича берилган

(Давоми 3-бетда).

БАРЧАГА БАРОБАР

Президентимизнинг навбатдаги Фармони ҳеч кимни бефарқ қолдириши мумкин эмас. Зеро, маънавиятни асраб-авайлаш, уни бойитиш умумхалқ иши. Айниқса, отабоболардан асрлар оша мерос бўлиб келаётган ёдгорлик иншоотларга, маърифат масканларига айрича эътибор бериш зарур. Уларни фақатгина таъмирлаб қолмасдан, ўзимиз ҳам яқиндан ўрганишимиз керак.

Минг афсуски, ёшларимиз орасида, ҳатто, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ҳам ҳали Самарқанд, Бухоро ёки Хива каби тарихий, қутлуғ шаҳарларимизни бориб кўрмаганлари, у ердаги табаррук қадамжоларни зиёрат қилмаганлари талайгина. Фармонда кўрсатилганидек «Маънавият ва маърифат» маркази, «Узбектуризм» миллий компанияси, «Камолот» ёшлар жамғармаси каби нуфузли идора ва ташкилотлар қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳат иш юритса, ўйлаймизки, бундай нуқсонлар тезда бартараф этилади.

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори.

Муносабат

МАЪНАВИЯТ — ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонини маориф ходимлари ҳам катта қувонч билан қутиб олдилар.

Унда маънавиятимизни янада юксалтириш йўл-йўриқлари кўрсатилган бўлиб, жумладан, маориф соҳаси тўғрисида ҳам эътиборга молик фикрлар айтилган. Фармонда 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь кунини «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни, деб эълон қилиниши ҳамда дам олиш куни ҳисобланиши ўқитувчиларга бўлган эътиборнинг, гамхўрликнинг намунасидир. Энди биз маорифчиларнинг байрамимиз умумхалқ байрамига айланади. Касбимизнинг юқори даражада улуғланганлиги ҳар би-

(Давоми 2-бетда).

ММММ

ХАБАРЛАРИ

МУРУВВАТ ШУНЧАЛИК БУЛАДИ-ДА!..

Қачонки, яхшиликни яхшилик қувиб ўтаверса, яхши экан-да! Умрнинг қандай ўтиб кетганиниям билмай қоларкансан.

Республикамиз истиқлолга эришган кунданоқ хусусий корхоналар, ўз-ўзини бошқариш тизими аста-секин ривож топа бошлаган эди. Бунинг ўз-ўзидан ҳозирга келиб болажонларимизгаям нафи тегаяпти.

Мана, яқинда Марҳамат туманидаги 33-ўрта мактабнинг 4 нафар энг иқтидорли ўқувчисига туманнинг очиқ подшипник ҳиссадорлик жамияти томонидан энг кам иш ҳақининг икки баравари ҳисобида стипендия таъсис этилди. Бу-ку, ҳар ҳолда кўпчиликка оддий бир анъанадек туюлиши мумкин. Лекин, биласизми, бу воқеадан кейин мактабдаги бошқа ўқувчилар ҳам ўз иқтидорларини намоён этишга ҳаракат қилиб қолишди.

MUZEYMIZGA KELING

Istiglolning dastlabki kunlarida Shofirkon tumanidagi A. Donish nomidagi maktabda tarix muzeyi tashkil etilgandi, Tarix ugitu vchisi SH Holjiyevning urinishlari behuda ketmadi. Q''guvchilardan G. Qarshiyev, a I Azimoviar gadimiy jihozlar bilan bezashda ustozlariga yagindan ko''maklashdi. Hozirgi kunda tarix muzeyi maktabning husnig& hisn go''shib turibdi. Agar siz ham muzeyga tashrif buyursangyz, ishoning, albatta xursand bolasiz-

ИРМОҚЛАР ҚУШИЛСА, ДАРЁ БЎЛАР...

Жарқўрғон туманидаги 22-ҳунар билим юрти маъмурияти бу ёзги мавсумда талабаларнинг ётоқхоналарини анча ўзгартириб юборишди. Ётоқхона эни ва бўйига кенгайтирилди, сифатли таъмирдан чиқарилди. Ҳар икки нафар талабага учтадан хона ажратилиб, уларга ўқиш, дам олиш ҳамда овқат тайёрлашга кенг шароит яратиб берилди. Бундан ташқари мусиқа ва рақс заллари ташкил этилди.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

Йўқ, йўқ. Бу ишлар шунчаки ўз-ўзидан бўлган эмас. Билим юртидагилар бир нарсага беадад шукр қилишадики, бу ерда турли таъмир устахоналари, сартарошхона ва сомсахоналар фаолияти кунгилдагидек йўлга қўйилган. Улар билим юртига фойда келтириб туришибди. Даромад эса, ўз-ўзидан, юқорида айтилгандек, савобли ишларга сарф бўлаяпти.

Муаллифлар: Абдурасул ЭРАЛИЕВ, FAYZULLA ESHQULIV, Абдували ОБИДДИНОВ.

МАЪНАВИЯТ — ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

римизнинг қалбимизни ғурурга тўлдиради.

Мамлакатимизнинг бугунги ҳаётига назар ташлар эканмиз, барча жабҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи буламиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунларданоқ «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир. Ҳукуматимизнинг ана шу қонуни асосида барча фанлар бўйича концепциялар ва дастурлар ишланди. Буларнинг барчаси таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Янги типдаги ўқув юртлари иш бошлади. Қабул қилинган қатор фармонлар, қарорлар асосида халқ таълими ходимларига давлат томонидан имтиёзлар белгиланди, ғамхўрлик кафолатланди. Бозор иқтисодиёти шароитида ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш асосий мақсад қилиб қўйилди. 100 мингга яқин ўқитувчига давлат уйлари хусусий қилиб берилди. 31946 маориф ходимига эса ташкилот ва муассасалар ихтиёридаги уйлар хусусийлаштирилиб берилди. Кейинги беш йилда 599 нафар педагог давлат мукофотлари билан тақдирландилар. 1992 йилдан буён 377415 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 51645 нафар болага мўлжалланган болалар боғчалари қурилиб ишга туширилди. Бу режалаштирилгандан анча кўпдир.

Айни кунда республикамизда 9300 дан ортиқ мактабда 5 миллион 250 мингга яқин, 458 та хунар билим юртида эса 217,4 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олиб, касб урганмоқда. Уларга билим олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ўқув қуроллари, дарсликлар билан бепул таъминланганлар. Булардан кўринадики, юртбошимиз ва ҳукуматимиз ёшлар тарбияси ва билим олиши ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқда. Ушбу фармон эса таълим соҳасига эътибор яна бир поғона кўтарилганлигини кўрсатади. Бу биз тарбиячилар олдига жамиятимизда буюк маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек улуг вазифани қўяди. Биз ушбу хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўша олсак, шу йўлда ўз билимимизни, кучимизни, тажрибамизни тўла сафарбар қилсак, халқимизнинг бизга бўлган ишончини оқлаган буламиз.

Йўлдош САИДЖОНОВ,
Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари.
(«Халқ сўзи» газетасидан.)

ЗУККОЛИККА УНДАЙДИ

Бугун халқимизнинг маънавий савиясини кўтариш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тўғри тарбиялаш мамлакатимизнинг порлоқ келажагини яратиш деган сўз. Яқиндагина Мустақиллигимизнинг 5 йиллик тўйини нишонладик. Куни-кеча эса Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу дастурий ҳужжат бугунги тарбияланаётган ёшлар онгида Ватанни севиш, ўзликни англаш сингари ғояларнинг барқарорлашувига яна бир омил бўлади.

Президентимизнинг маънавий ҳаётимизни янада юксалтиришга қаратилган бу Фармонидан бениҳоя хурсанд бўлдим. Назаримда бу ҳужжатнинг қабул қилиниши республикамизда бугунги халол меҳнат қилаётган биз ўқитувчиларни ҳам жиддийликка, зукколикка чорлади, ёш авлодни комил инсонлар этиб камол топтириш учун куч-ғайратларини сафарбар этишга ундайди.

Обид РАСУЛОВ,
Тошкент вилоят Зангиота туманидаги 37-мактаб муаллими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ФИДОЙИ ИНСОН

Устозларни ҳақли равишда зиё улашувчилар деймиз. Нажмиддин Ғуломов ўқувчиларга фақат берган билимлари билангина эмас, балки шахсий ҳаёт йўли билан ҳам намуна бўлолган инсон.

Нажмиддин Ғуломов 1956 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. 1962 йилдан Ғафур Ғулом номли 169-ўрта мактаб очилгандан бошлаб, 55 йил мобайнида меҳнат қилиб келади. 1969 йилдан бошлаб 1985 йилгача мактабда бош илмий мудир бўлиб ишлади. Мактабда ва «Хувайдо» маҳалласида турли жамоат ишларини сидқидилдан бажариб келди.

Ақли расо, фикри тиниқ, меҳрибон устоз ўзи таълим бераётган ўқувчиларни ҳақиқий ҳаёт синовларига тайёрлашда бор билими, малака ҳамда имконини сира дариғ тутмади, бу йўлда тиниб-тинчимади. 55 йил мобайнида, эҳ-ҳе, қанча-қанча ўқувчиларни катта ҳаёт остонасига кузатмади дейсиз. Ҳар ким ўз орзусига эришиши учун астойдил меҳнат қилса, муроди, албатта ҳосил бўлишига ўз устозлари мисолида амин бўлганлар.

Ҳукуматимиз устоз меҳнатини муносиб тақдирлаган: «Шонли меҳнати учун» медали, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, унвони, «Меҳнат ветерани» медали устоз меҳнатини муносиб қадрлашдир.

Ибратли умр соҳиби Нажмиддин Ғуломов ҳозир умр йўлдоши Мунира ая билан 6 фарзанд, 18 невара, 2 та эварага меҳрибон бобо-ю-буви бўлишиб кексалик гаштини сурянтилар.

Устоз яқинда 80 ёшга тўлдилар, лекин умрини илмга бахшида эттан, ҳаётини болаларсиз тасаввур қила олмайдиган инсон ҳамиша ўз ўқувчилари даврасида. Биз устозни қутлуғ ёшлари билан муборакбод этиб, «Ҳамиша саломат бўлинг!» — дея таъзим бажо этамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Боғча опасининг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглаётган бу жажжилар пойтахтимиздаги 205-болалар боғчасида тарбияланишади. Шуниси қувончлики, улар миллий урф-одатларимиз, расм-русумларимиздан яхшигина хабардор. Чунки бу тарбия масканида қизиқарли ўйин ва машғулотлар орқали жажжиларни миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш яхши йўлга қўйилган.

Суратда: тарбиячи Манзура Маҳкамова тайёрлов гуруҳи болалари билан навбатдаги машғулотни ўтказаётган пайт.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

МУДИРА ТАДБИРКОР — ЖАЖЖИЛАР БАХТИЁР

Ҳар бир ишнинг бошида тадбиркор ва моҳир ташкилотчи турса, режалар амалга ошавериши, ютуқлар кўпайиши шубҳасиздир. Мен ҳар гал ўшандай ташкилотчи-раҳбарларни кўриб, уларнинг жўшқин фаолиятлари билан яқиндан танишганимда шу фикр хаёлимдан ўтади.

Беруний шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 9-сон «Лола» махсус болалар боғчаси мудираси Раъно Аллаберганова ана шундай раҳбарлардан. Бу тадбиркор аёл мактабгача тарбия бўйича олий маълумотга эга бўлиб, ўз педагогик жамоасини етук мутахассислардан ташкил эта олган. Гап шундаки, бу боғчада ақлий жиҳатдан заиф ва нутқларида нуқсонлари бор болалар тарбияланади. Шифокор ва ўқитувчи-деффектологларнинг хизматлари ушбу масканда ғоят қадрлидир. 4 та махсус гуруҳда 50 нафар болакай ўқитувчи-тарбиячилар — Гулистон Каримова, Жумагул Болтабоева, Марям Нажмиддинова, шифокор-невропатолог Ж. Машарипов, ҳамшира Гулшод Рисқулова-лар қўлида намунали тарбияланиб, соғлиқларини мустаҳкамламоқда.

Боғча мослаштирилган бинода жойлашган бўлиб, унинг ер участкаси анча кенг. Бу эса ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида тадбиркорлик ишларини йўлга қўйишда қўл келмоқда. Мудиранинг ташаббускорлиги, сергайратлиги туфайли боғчада ёрдамчи хўжалик ташкил қилинган. Бунга қандай эришилган?

— Энг аввало, жамоамиз аъзолари билан маслаҳатлашдик, фикримни қувватлашди, — дейди Раънохон. — 1991 йилдан бошлаб боғчамизнинг ер участкасига ҳар хил сабзавотлар — помидор, кўк пиёз, сабзи, бақлажон, картошка, булғор қалампири экиб, улардан яхши ҳосил ола бошладик. Бу сабзавотлардан болалар таомномасига бепул қўшиб, фойдаланишга киришдик. Ортиқча маҳсулотларимизни эса сотиб, эвазига товуқ жўжаларини, туя қушлар, урдаклар ва уларнинг емларини харид қилдик. Боғчамиз ёрдамчи хўжалигида боқилган ўрдак, товуқ, туяқуш гўштларини болалар овқатланиши ва уларнинг туғилган кунларини нишонлаш маросимларида ишлата бошладик.

Узимизда етиштирилган сервитамин сабзавотлардан овқат учун фойдаланиш тарбияланувчиларимизнинг соғлом ўсишларида муҳим аҳамият касб этиши аниқ, албатта. Чунки таом калориясини оширишга эришдик.

Бундан ташқари, ер участкамизда пишган олма, узум, нок, шафтоли меваларини ҳам болаларимиз тановул қилишади. Яна бир гап. Кичиклар катталар меҳнатини ҳамиша ўз кўзлари билан кўриб туришса, улар меҳнатсевар бўлиб улғайишлари учун яхши замин яратилади. Пировардида болалар ҳам катталарга меҳнат жараёнида ёрдам беришга интиладилар.

Бизнинг боғчамизда айни шундай ёқимли ҳолатларни кўп кузатиш мумкин.

Ёрдамчи хўжалигимиз фаолияти йилдан-йилга жонланиб боряпти. Натижада боғчамизнинг ёрдамчи хўжалиги учун 1994 йилда давлат банкида жорий ҳисоб рақами очилди. Ўша йили ер участкасидан олган ҳосилимиз ва товуқ гўшти, тухум сотиш ҳисобидан 20 минг сўм даромад қилдик. Давлат банкидаги ҳисоб рақамимизга ўтказдик. 1995 йилда 40 минг сўм даромад топиб, уни ҳам хазинамизга қўшдик. 1996 йилда эса 100 минг сўм даромад қилишни режалаштирганмиз. Ёрдамчи хўжалигимизда 2 та сигир бузоғи билан, 25 та чўчқа, 50 та курка, 70 та товуқ, 10 та қўй, 40 та ўрдак боқиб, уларнинг сонини янада кўпайтириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бу ўйлаб қўйган режамизни, яъни болаларни сут билан ҳамда тандир қуриб, миллий нонларимиз билан таъминлашни амалга ошираяпмиз. Бундан ташқари, плёнка остида кўк пиёз, укроп, бодринг каби маҳсулотларни етиштиришни ва даромадимизни янада оширишни ўйлаяпмиз.

Давлат банкидаги пулимиз ҳисобига боғчамизга керакли буюмларни олаяпмиз.

Шаҳримиздаги бошқа боғчаларни ҳам товуқ гўшти, тухум ва сабзавотлар билан таъминлашни йўлга қўймоқчимиз.

Шу билан бирга боғчамизни «Охун» хусусий фирмаси оталиққа олган. Фирма бошлиги Раҳмон Ҳожиев кам таъминланган оила болаларига ҳар хил кийим-кечаклар, боғчамиз учун қаттиқ жиҳозлар, идиш-товоқлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб бераяпти.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ПУХТА САВОД —

Q.ABDULLAYEVA, H.NAZAROV, SH.YO'LDOSHEVA

ИЛТИМОСИНГИЗНИ АДО ЭТАМИЗ

Янги ўқув йилининг дастлабки ҳафталари ўтиб бормоқда. Ўқув йилидаги муҳим янгиликлардан бири бу йил биринчи синфларда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўргатишнинг бошланганлигидир. Бунинг учун талай тайёргарликлар кўрилди: «Шодлик» ва «Савод» алифбелари чоп этилиб, жойларга етказилди, янги ёзув дафтарлари чиқарилди. Бошланғич синф ўқитувчилари учун методик қўлланмалар ҳам чоп этилди. Бироқ бу қўлланмалар мактабларга тўла етиб борганича йўқ. Шу боис биринчи синфларни ўқитишда муаллимлар айрим муаммоларга дуч келаётгани, шубҳасиздир. Бу шу кеча-кундузда таҳририятимизга келаётган кўпгина хатлар мазмунидан ҳам бизга аён бўлмоқда. Келинг, бу мактубларнинг баъзилари билан танишайлик:

«Ассалому алайкум, ҳурматли «Маърифат» таҳририяти ходимлари! Сизлар ҳамиша газета орқали бизга ёрдам бериб, мушкулимизни осон қилгансизлар. Шу сабабли биз — Фарғона вилояти Ўзбекистон туманининг бошланғич синф ўқитувчилари Сизларга мурожаат этяпмиз.

Янги ўқув йилида бизнинг туман ўқитувчилари О. Шарофиддинов, Қ. Абдуллаева, К. Назаров ва бошқалар томонидан тузилган «Шодлик» алифбеси билан 1-синфларни ўқитаяпмиз. Лекин алифбени ўқитишнинг методик қўлланмаси бизга етиб келмади. Янги дарслик бўлганлиги учун, айниқса, ёш ўқитувчилар жуда қийналяпгилар.

Сизлардан илтимос, бизга газета орқали янги дарслик билан ишлаш юзасидан маслаҳат берсангизлар.

Салом билан
52-мактаб ўқитувчилари
Дилбар Юнусова,
Саодат Қобилжонова,
Бибисора Жамилова.»

«Мен бу йил 1-синфларни Т. Ғаффорова ва бошқаларнинг янги алифбе китоби бўйича ўқитаяпман. Дарслик жуда яхши тузилган, менга маъқул бўлди. Лекин ҳар бир ҳарфни болаларга ўргатиш учун неча соат вақт ажратиш кераклигини билолмай, режа тузишда қийналиб қолдим.

Газета ходимларидан илтимосим шуки, қўлимизда методик қўлланма йўқлиги учун, алифбе муаллифлари ёки мутахассисларнинг маслаҳат тарзидаги мақолаларини чоп этсангизлар. Бу ишингиздан жуда миннатдор бўлардик.

Гулнора Саидқосимова,
Ангор туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси».

«Бу ўқув йилида бизнинг туманимиз мактабларида 115 та 1-синф очилди. Ўқитувчиларга Қ. Абдуллаева раҳбарлигидаги муаллифлар томонидан яратилган «Шодлик» алифбеси берилди. Бироқ, биз муаллималар алифбедан фойдаланиш бўйича методик қўлланма ололмадик. Алифбени ўқитиш қайси ойда тугаши керак? Шу ҳақда бизларга ёрдам берсангизлар.

Ғ. Ғаниева,
Д. Тожиева,
П. Иброҳимова,
Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими.»

Бундай мактубларни Сирдарё, Хоразм вилоятларидан ҳам ёзиб юборишган.

Дарҳақиқат, Сизларга ёрдам беришни биз маърифатчилар биринчи даражали ишимиз деб ҳисоблаймиз. Дарҳол «Шодлик» алифбеси бош муаллифи, профессор Қумри Абдуллаевага сизлар сураган мавзу бўйича мурожаат қилдик. У киши илтимосни бажонидил адо этди.

Биз қуйида «Шодлик» алифбеси ва унга қўшимча дидактик материаллардан қандай фойдаланиш ҳақида маслаҳатларни ҳамда дарсларни режалаштириш намунасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«ШОДЛИК» АЛИФБЕСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Таълимнинг янги мазмуни ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топишига, уларни фаоллаштиришга қаратилади. Шу боис, биринчи навбатда, хат-савод ўргатиш таълимнинг муҳим босқичидир. Бу даврда ўқувчиларга тўғри ўқиш, чиройли ёзиш ҳамда ўқиганларини сўзлаб бериш ўргатилади. Ўқиш ёзув билан узвий боғлаб борилади. Бу усул болаларнинг оғзаки ва ёзма маданиятини баравар ривожланишига имкон беради.

Савод ўргатиш ишларини тўғри ташкил қилиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Таълимнинг дидактик жиҳатларига эътиборни қаратиш, уни педагогика, психология соҳасидаги сўнгги ютуқлар билан тўлдириб бориш.

2. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва тушунчаларни қабул қила олиш имкониятларини ҳисобга олиш.

3. Уларда мустақил фаолиятни ривожлантириш усулларини кенг қўллаш.

4. Ижодий қобилиятларини оширувчи воситалардан унумли фойдаланиш.

5. Алифбе дарслигига қўшимча дидактик материаллардан фойдаланиш

Савод ўргатиш уч даврга бўлинади:

1. Хат-савод ўргатишга тайёргарлик даври. (4 соат ўқиш, 4 соат ёзув).

2. Савод ўргатиш даври (57 соат ўқиш, 57 соат ёзув).

3. Алифбедан кейинги давр (2 соат ўқиш, 2 соат ёзув).

Тайёргарлик даврида асосан болаларни мактаб ҳаётида фаолият кўрсатишга тайёрланади, Одоб, ахлоқ малакалари шакллантирилади. Уларда ўқиш ва ёзишга ҳавас, иштиёқ уйғотилади. Алифбе китоби билан таништирилади. Китоб билан муомала қилиш маданияти сингдирилади. Шунингдек, нутқ, гап, сўз, бўғин ва товуш ҳақида амалий ишлар қилинади. Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга алоҳида эътибор берилади.

Бу даврда, айниқса,болаларнинг ёш хусусиятлари, қабул қила олиш ўқувларига аҳамият берилади. Уларнинг хотираси, диққати, нутқи, тафаккури ривожлантирилади.

Хат-саводга ўргатиш даврида асосан болаларни ўқиш, ёзишга, сўзлаб беришга, лугатларининг бойишига эътибор берилади.

Савод таълимида ўзбек тили нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўрни ва усулини билиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис савод таълимида бир турдаги машғулотлар болаларни зериктирмаслиги, толиқтирмаслиги учун машғулот турларини ўзгартириб, навбатлаштириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, дастлабки машғулотлар таъсирчанлик ва муъжизакорлик жиҳатидан юксак даражада бўлиши ғоят фойдалидир. Чунки болалар ўқиш ва ёзишдек ақлий фаолиятга бирданига кириша олмайдилар. Уларда маълум қўникма ва малака ҳосил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Нутқ товушларининг таснифи болаларга хос уйғунлик билан тушунтирилиши, уларнинг унли ва ундош бўлишини амалий машқлар билан англатилиши лозим.

Дастлабки кундаги машғулотларданоқ болаларни тўғри ва равон ўқишларини таъминлаш, сўзларнинг маъносини англашга, тушунмаганларини тортинмай сураб, билиб олишга одатлантириш лозим. Савод ўргатиш даврининг ҳар бир машғулотида болаларга камида уч-тўрт янги сўзларни ўргатиш, уларни нутқда қўллашларини назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Савод ўргатишдан кейинги қисқа даврда эса болаларни матнларни ифодали ўқишга ўргатилади.

ХАТ-САВОД ЎРГАТИШ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЎҚУВ СОАТЛАРИГА ТАХМИНИЙ ТАҚСИМОТИ

Тайёргарлик даври

1-дарс. 1 сентябрь — Мустақиллик байрами ҳақида суҳбат. «Шодлик» алифбеси билан таништириш. «Она юртим — олтин бешигим» мақолини ёд олиш.

2-дарс. Ёзув ашёлари ва 1-ёзув дафтари билан таништириш. Байроқчалар чизиш ва бўяш.

3-дарс. Оғзаки ва ёзма нутқ. Гап ҳақида тушунча бериш. «Шодлик мактаби» расмига қараб сўзлаш.

4-дарс. Тўғри таёқчалар чизиш, чиройли ёзув қоидалари билан таништириш.

5-дарс. Синфда расм асосида суҳбат. Сўз ҳақида тушунча.

6-дарс. Ости илмоқли таёқчалар чизиш.

7-дарс. Бугин ҳақида тушунча. Синфдан ташқари ўқиш. 3-4 болалар адабиёти билан таништириш.

8-дарс. Ости, усти илмоқли таёқчалар чизиш.

Алифбо даври

9-дарс. Беихтиёр болалар мавзусида суҳбат. О, Т товушлари ва О, Т ҳарфлари. Луғат: майдонча, қувноқ, туп, тулки, турна.

10-дарс. О, Т ҳарфларини ёзиш. Шаклларни бўяш.

11-дарс. О, Т ҳарфларини такрорлаш. ОТ сўзини ўқиш. Луғат: пуффак, сибиқ, товуқ.

12-дарс. От сўзини ва катта Т ҳарфини ёзиш.

13-дарс. «Боғда» мавзусида суҳбат. А товуши ва а, А ҳарфлари.

Луғат: анор, анжир, ари, ҳосил.

14-дарс. Кичик а ҳарфини ёзиш. Синфдан ташқари ўқиш.

15-дарс. А товуши ва а, А ҳарфлари, ОТА сўзини ўқиш. «Ким номини айтади?» ўйини.

16-дарс. Катта А ҳарфини ёзиш. Шаклларни бўяш.

17-дарс. «Нон — азиз» мавзусида суҳбат. Н товуши ва Н ҳарфлари билан таништириш. Луғат: ниначи, нарвон, ноғора, карнай.

18-дарс. Кичик н ҳарфини ёзиш. Шаклларни бўяш.

19-дарс. Н товуши ва н, Н ҳарфларини такрорлаш. Матн ўқиш. «Н товушли сўз топ» ўйини.

20-дарс. Катта Н ҳарфини ёзиш. Шаклларни бўяш.

21-дарс. И товуши ва и, И ҳарфлари, «Далада» мавзусида суҳбат. Луғат: ит, кирпи, илон, ип. Синфдан ташқари ўқиш.

22-дарс. Кичик и ҳарфини ёзиш. Шаклларни бўяш.

23-дарс. «Табиатни эъзозлаш» мавзусида суҳбат.

24-дарс. Катта И ҳарфи ва ип, ини сўзларини ёзиш. Шаклларни бўяш.

25-дарс. Л товуши ва л, Л ҳарфлари. «Майдончада» мавзусида суҳбат. Луғат: лайлак, Лола, ликоп, илон.

26-дарс. Кичик л ҳарфи, Лола, илон сўзларни ёзиш. Шаклларни бўяш.

27-дарс. «Лайлаклар» мавзусида суҳбат. Матн ўқиш. Луғат: ил, илмоқ. «Бу қайси қуш?» ўйини.

28-дарс. Катта Л ҳарфи ва Лола сўзини ёзиш. Шаклларни бўяш.

29-дарс. М товуши ва м, М ҳарфлари. «Малика ва Шаҳзода» мавзусида суҳбат. Луғат: камон, минора, гилам, найза, нимча. Синфдан ташқари ўқиш

30-дарс. Кичик м ҳарфини ва мана сўзини ёзиш. Шаклларни бўяш.

31-дарс. Т ҳарфли матнни ўқиш. Луғат: ин, уя, тулки, тулкичалар, тухум.

32-дарс. Катта М ҳарфи ва Маннон сўзини ёзиш. Шаклларни бўяш.

33-дарс. У товуши ва у, У ҳарфлари, «Узумзорда»-мавзуси бўйича суҳбат. Луғат: укки, чумчуқ, турна.

Иқтисод сабоқлари

ТОВАР, ХОМ АШЁ ВА ФОНД БИРЖАЛАРИ

Янги иқтисодий фикрлашни эски хўжалик механизми асосида урганиб бўлмайди. Бундан беш йил аввал социалистик режалаштириш бўйича иқтисодиётимизда хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ ноишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларга бирон бир нарса учун—мих ёки тугмачадан тортиб, то ишлаб чиқаришни юритишга зарур бўлган тонналаб металл, кубометрлаб ёғоч, бетон ёки минг метрлаб матолар олиш учун ариза (заявка) ёзиларди. Сўнг бу нарсалар юқоридан «фонд» ёни «наряд» орқали ажратилиб, таъминот ташкилотлари томонидан тақсимлаб берилар эди. Қизиғи шундаки, қанча пулингиз бўлмасин ажратилган «фонд» миқдоридан ортиқроқ хом ашё ёки товар олиш амри маҳол эди. Бундан ташқари товарлар фақат давлат белгилаган нархда, ҳеч қандай танловсиз бириктириб қўйилган ташкилотдан олинарди. Хом ашёни ёки ярим маҳсулотни саралаб олишнинг имконияти бўлмаганидан кейин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ҳақида қанча қайғурмайлик бефойда эди. Шароитга мослашиб бизнинг ходимларимиз «заявка» беришда, керак бўлса уни «асослаб беришга» устаси фаранг бўлиб кетишган эди. Чунки, заявка учун ҳам, олинадиган товар ёки хом ашёларга тўланадиган пул учун ҳам шахс жавоб бермасди. Ҳаммасига жавобгар давлат эди. Давлатимизнинг бағри кенг, ортиқчароқ ва андак заҳира билан керак нарсаларни сўрасак, асакаси кетмайди қабилида иш тутилар эди.

Боқимандалик кайфияти одамларга сингиб кетгани маълум. Бу иллатдан қутулсаккина ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш мумкинлиги ҳақида Республикамиз Президенти И. А. Каримов ўз нутқларида қайта-қайта таъкидлаб ўтмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президентимиз сўзлаган нутқида ҳам боқимандалик кайфияти сингари иллатни йўқотиш зарурлиги уқтирилди.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётининг кучи ҳам мана шу боқимандаликни қутара олмаслигидадир. «Берсанг ейман, бермасанг ўламан», деб яшайдилан вақт ортда қолиб кетди. Ҳозир давлат таъминот қўмитаси (Госснаб), унинг жойлардаги ташкилотлари йўқ. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки турли ташкилотлар таъминот масалаларини ҳақиқий бозор орқали, яъни биржалар орқали ҳал этадиган давр келди. Бизнинг янги хўжалик механизмимиз учун биржанинг энг маъқул томони шундаки, унда истеъмолчини ишлаб чиқарувчига «бириктириб» қўйиш ўрнига эркин сотиш ва сотиб олиш савдосига ўтилади. Бу айни пайтда истеъмолчи учун рақобат курашини ҳам тақозо этади. Ўз навбатида бу келгусида ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланган бозорини шакллантиришга, ишлаб чиқарувчининг монополиясини (якка ҳокимлигини) бекор қилишга олиб келади. Аммо мустақилликдан аввал «биржа» сўзи биз учун бегона бўлганини, мабодо ишлатсак ҳам капитализмга, яъни бизга қарши бўлган тизимга мансуб сўз бўлганлигини эслатиб ўтишга тўғри келарди.

Хўш, биржанинг ўзи нима? Унинг биз шу вақтгача тушунган бозордан қандай фарқи бор? Тарихий нуқтаи назардан қараганда XVII асрнинг охирида биринчи биржа (яъни улгуржи савдо-сотиқни ташкил этиш) Голландияда пайдо бўлиб, XVIII асрнинг бошидан бошлаб Олмония ва бошқа мамлакатларда ривожлана бошлаган.

Биржа — голландча birgts, немисча — birgi сўзлардан таржима қилганда ҳамён демакдур. Ҳамённинг кўпайиши (камайиши) бозордаги муваффақиятларга боғлиқ. Биржалар замонавий иқтисодий механизм инфраструктураси таркибига кириб, бозор уюштиришнинг ихтисослаштирилган ташкилий шакли маъносини англатади. Биржа — бу улгуржи савдо бозори. Меҳнат биржаси (бу ҳақида «Маърифат»нинг шу йил 26 июль сонида маълумот берилган), фонд биржаси (қимматбаҳо қоғозлар бозори), товар ва хомашё биржаси (бозори) шулар жумласидандир.

Товар ва хом ашё биржаси бир ёки бир неча хил товар, хом ашё билан улгуржи савдони амалга оширувчи тижорат воситачи корхонасидир. Воситачилиги шундаки, биржанинг ўзи ҳеч нарса сотиб олмайди ва сотолмайди, балки корхона-ташкилотлар ўртасидаги олди-сотди алоқаларини юргазадиган юридик шахс ҳисобланади. Воситачи ташкилот олдиндан тайёрланган жойда аниқ бир вақтда белгиланган қонун-қоидалар асосида эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратади. Биржа жараёнларини тартибга солиш, товарларга бўлган талаб ва таклифлар нисбати асосида нарх-навони аниқлаш, ташкилий йўсинда биржа аъзолари ва мижозларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар унинг вазифасига киради. Бундан ташқари мунтазам равишда нарх-наво аниқланишига, индексацияси ва ўзгариши, савдо-сотиқ вақти, товарлар, битим ҳажмлари, контрактларнинг миқдорига доир ахборотлар, товар бозорининг аҳволи ва ривожланишининг тахминларига доир нархларни эълон қилиш ҳам биржа вазифаларига киради.

Биржа савдолашувида ташкил топган ўртача нархлар биржа катировкаси деб номланади ва улар ҳар куни эълон қилинади. Йирик биржалардаги товар нархи жаҳон бозори нархини ифода этади. Умуман турли маҳсулотларнинг ҳақиқий ва муносиб нархи фақат биржада аниқланади. Биржа акционер жамиятга ўхшаб ташкил топади. Уни таъсисчилари (турли идоралар, йирик корхона, концернлар) биржа аъзолари бўлиб, улар пул қўшишади. Аммо, улар акционерлар сингари дивиденд олишмайди. Йиғилган пуллардан биржанинг устав фонди ҳосил бўлади ва шу фонд орқали ишлар юритилади. Биржани бошқариш учун кенгаш аъзолари сайланади. Кенгаш ва унинг президенти биржани бошқариб боради.

Товар ва хом ашё биржалари икки турга бўлинади:

— Очиқ биржа. Бу хил биржаларда унинг аъзолари билан бир қаторда бошқа соҳибкор ёки тожирлар савдо қилиши мумкин;

— Ёпиқ биржа. Бунда фақаттина биржа аъзолари савдо битимларини тузадилар.

Товар ва хом ашё биржасида корхона, ташкилот, фирмалар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот ёки ётиштирган (тайёрлаган) хом ашёни жуда кенг маънодаги харидорга (давлатга, концерн, корпорация, фирма, ташкилот ва бошқаларга) сотадилар. Шундай қилиб, аҳолидан ташқари барча тоифадаги истеъмолчилар улгуржи баҳо орқали бир-бирлари билан иқтисодий муносабатда бўладилар. Бу муносабатнинг оддий бозордан фарқ қиладиган жойи шундаки, товар ва хом ашё биржаларида савдо қилинадиган моллар стандартлар ёки намуналар асосида олиб борилади. Сотиладиган товарларни гуруҳларга (компьютерлар, енгил саноат моллари, кимёвий маҳсулотлар, қишлоқ хўжалик моллари, қурилиш материаллари, ашёлар, транспорт ва ҳоказоларда) бўлинган рўйхати тайёрланади, уларнинг тавсифлари ёзилган варақа ёки китобчалар чоп этилади ва мижозларга тарқатилади.

Масалан, шу йил август ойидаги савдо-сотиқда Агросаноат биржасида 478 позиция бўйича 700 минг АҚШ доллари ёки 605 миллион сўмлик миқдорида сотиш учун товар тавсифлари тақдим этилди.

Харидор фақатгина сотиладиган мол ҳақидаги меъёрий ёки стандарт маълумотлар билан танишади ва товарнинг расмини ёки намунасини кўриши мумкин, холос. Демак, товарларни биржа нуқтаи назаридан биржабоп ва нобоп турларига ажратиш мумкин. Масалан, пахта толаси, ғалла, металл буюмлар (қувур, швелер, тунука ва ҳоказо) каби товарлар биржабоп товарлар деб ҳисобланса, велосипедлар сингари товарлар нобоп ҳисобланади. Чунки бундай товарларнинг стандартлари ҳар хил турли давлатларда турлича бўлгани сабабли биржа учун нобондир. Йирик биржалар нобоп товарларни сотиш билан шуғулланмайдилар.

Товар ва хом ашё биржалари ундаги сотиладиган маҳсулотлар ёки тармоқ турлари бўйича ихтисослашган бўлиб, ҳар хил ном билан юритилиши мумкин. Пахта биржаси, ғалла ва дон маҳсулотлари биржаси, кимё биржаси, қўчмас мулк биржаси, агросаноат биржаси, электр-техника биржаси ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Масалан, яккахон ашулачилар, мусиқа ансамбллари ёки ижрочилар жамоалари билан шоу бизнес ташкилотлари ўртасида шартнома тузиш юзасидан ўтказиладиган савдо-сотиқ шоу-биржа деб номланади. Шоу биржа интеллектуал товарлар бозорининг бир тури бўлиб саналади. Бир хил товарга ихтисослашган Нью-Йорк, Бомбей, Искандария пахта биржалари, ғалла савдоси билан шуғулланувчи Чикаго биржаси, рангли металлар билан савдо қилувчи Лондон биржалари жаҳон миқёсида савдо-сотиқ олиб борадиган энг нуфузли биржалардир.

Товар ва хомашё биржаларида иш қандай ташкил этилади? Биржа учун асосий восита бўлиб, туридан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, товарлар, яъни биржабоп товар хизмат қилади. Биржа фаолиятини ташкил этиш кўп нарсаларга боғлиқ. Мулкчиликнинг барча тарзидаги, фирма, ташкилот, уюшмалар, брокерлик ва дилерлик фирмалари, брокерлар, дилерлар, маклерлар ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар биржанинг фаолиятида иштирок этишлари мумкин. Биржа савдо-сотигида биржа аъзолари, биржа воситачилари ҳамда биржа мижозлари қатнашадилар. Биржа ходимларининг барчаси «Вақтинг кетди, нақдинг кетди» деган нақлнинг моҳиятини жуда яхши биладилар.

Биржа воситачилари (даллоллари) бўлиб брокерлар, маклерлар, ҳамда дилерлар хизмат қиладилар. Бу мутахассисликдаги кишилар зарур бўлган хом ашё ва материалларни қаердан олиш керак, қандай қилиб ишончли шерик топиш ва қайси йўл билан фойдали битим тузишга эришиш лозим, товарни кимга сотган маъқул каби муаммоларни ҳал этишда ёрдам берадилар. Оддийроқ қилиб айтганда, воситачилар сотувчи ва харидорларнинг бир-бирларини топиб олишларига бевосита ҳамда кенг маънода ёрдам берадилар.

Брокер (ингл. bzorkez); маклер — олди-сотди битимлар тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс, идора ёки фирмадир. Улар биржаларда сотувчилар ҳамда харидорлар (мижозлар) ўртасида олди-сотди қилишга ёрдам берадилар. Улар кўпинча мижоз топширигига биноан ва мижознинг фойдасига иш юритадилар. Брокерларга кафолат берилган вақтларда улар кафолат берувчи ҳисобига ўз номларидан савдо битимлари тузадилар. Воситачилик шартномалари (битимлари) асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг шохобчалари орқали расмийлаштирилади. Брокерлар воситачилик хизмати учун олди-сотди суммасининг муайян фоизи миқдорида ёки ўрнатилган (келишилган) миқдорда ҳақ (пул) олишади. Брокерлик фирмаларининг ишига баҳо беришда савдо-сотиқ битимларининг сони, сотиб олиш битимларининг умумий миқдори (суммаси), сотиш бўйича битимлар миқдори, энг йирик тузилган битим, биржа фирмаси адресига ариза ва шикоятлар йўқлиги ва бошқалар ҳисобга олинади. Брокерлар ёки брокерлик идоралари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Биржалар учун хизмат қиладиган махсус биржа банклари ҳам мавжуд.

Биржа ҳаракатларини амалга ошириш учун тижорат банклари қошида брокерлик ваколатхоналари очилади ва фаолият кўрсатади. Демак, биржа фақатгина савдо-сотиқ билан эмас, балки молия ишларига доир муаммоларни ҳам бажарувчи воситачи муассасадир. Кучли брокерлар ва брокерлик идоралари ўзлари кредитор бўлиб, битимларнинг бажарилиши учун кафилликни ҳам ўз бўйинларига оладилар. Катта брокер Гаф-брокер деб номланади.

Бевосита савдони олиб борувчи кишини маклер дейилади. Агар биржада муайян товарга харидор сони кўпайиб кетса, маклер шу товарга (товарларга) кимошди савдосини эълон қилади. Чунки товарларни ютуқ билан сотиб олиш ва ютуқ билан сотиш биржа фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

(Давоми бор)

Ёрқин МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Шаффоф умидлар

«Шаффоф умидлар» — ушбу тиниқ ном билан тартиб берилган ранг - баранг шеърлар тўпламининг ижодкори Бухоро давлат университети филология факультети талабаларидир. «Шубҳасиз, бул китобда шеър соҳибларининг барчаси эртага зур шоир бўлади, деган даъводан узоқмиз,— дейилади китоб ички тақризида. — Бунга давр ҳакам. Бисотимизда ёлғиз умид бўлгани боис ният қилдикки, ёшлар қалбидаги муқаддас Ватанга муҳаббат, бурч, дўстга садоқат, эртанги кунга ишонч туйғулари Сиз азиз уқувчиларни албатта бефарқ қолдирмагай».

«Шаффоф умидлар» тўпламини Халқаро Яссавий мукофоти лауреати, адабиётшунос Илҳом Ғаниев тўплаб, нашрга тайёрлаган ва ҳомийлик қилган.

Дилмурод ЖАББОР.
Бухоро шаҳри.

Бир кириб ўтинг...

Мингбулоқ тумани марказида жойлашган «Жанговар ва меҳнат шонШуҳрат уйи»дан, қачон қараманг, одам аримайди. Музей 1980 йилда ташкил топган бўлиб, бу ерда инқилобгача ва инқилоб даври, Иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги йиллардаги жасорат кўрсатган қаҳрамонлар, турли йиллардаги пул-буюм, тарихий кийимлар, қисқаси, ўзбекнинг бутун бир тарихини кўриб бир дунё таассурот оласиз, ҳордиқ чиқарасиз. Музейга кўпроқ тумандаги «Ғунча», «Булоқча» боғчалари тарбияланувчиларининг тез-тез келиб туриши эса айниқса, қувонарлидир. Ахир, бола боғчаданоқ ўз тарихини яқиндан кўра олса, барибир, яхши-да!

Элсевар ҲАМДАМ.

БИЗ ШУНДАЙ ЎРГАНМОҚЧИМИЗ, СИЗ-ЧИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

метариаллардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, ижтимоий-сиёсий соҳада — биринчи ва энг муҳим ютуғимиз мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, тинчликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш жамиятни кўпмиллатли шароитда яшаётган эканлигини алоҳида уқтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ватанимизда 120 дан ортиқ миллат ва элатлар дўст ва биродар бўлиб яшаётгани, 8 тилда мактаблар ишлаётгани, турли тилларда газеталар, радио эшитиришлар олиб борилаётгани, 100 га яқин маданий-маърифий, миллий марказлар, 14 та диний конфессиялар фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Иккинчи ютуқ сифатида — эски маъмурий буйруқбозлик тизими тугатилиб, ўрнига давлат ҳаётининг янги демократик, ҳуқуқий асослари яратилганлигини юртбошимиз нутқида келтирилган далиллар билан исбот қилиб сўзлаб бериш керак. Учинчи ютуқлар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини ҳамда қонунларнинг ҳамма нарсадан устиворлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилганлигидир. Тўртинчиси — кўп партиявийликнинг шаклланиши учун сиёсий тузумнинг мутлақо янгиланганлиги. Масалан, ҳозирги вақтда республикада 4 та сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракат, 200 га яқин рўйхатдан ўтган жамоатчилик бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиёт соҳасида — 5 йилда рўй берган теран ўзгаришларни ҳам Президентимиз нутқида кўрсатиб ўтган муҳим 6 банддан иборат хулосаларини талаба мутолаа қилаётган фан ва ҳаётий мисоллар билан боғлаб тушунтирилса, айни муддао бўлади. Бўлар: 1) Мулкни хусусийлаштириш натижасида мамлакатимизда кўп тармоқли иқтисодиёт шаклланганлиги, нодавлат секторнинг мустаҳкамланганлиги ва уни иқтисодиётимиздаги ролининг ошиб бориши. 2) Хўжалик юритишнинг эски тизимига барҳам берилиб, иқтисодий рағбатлантиришга, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ва рақобат тамойилларига асосланган бозор механизмларининг кенг жорий этилиши. 3) Янги банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар хомашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа тузилмалар, умуман, бозор инфраструктурасининг шаклланиши. 4) Миллий пул тизимимиз яратилиб, сўмнинг тўлов воситаси бўлиб қолганлиги. 5) Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтаганлиги, чет эл сармояларининг иқтисодиётимизга жалб этилиши. 6) Иқтисодиётнинг тузилма жиҳатдан янгиланиши. Масалан, Ўзбекистонда автомобилсозликни вужудга келиши, «УзДЭУавто»нинг ишга туширилиши.

Санаб ўтилган масалаларни ёритиб бўлгач, муҳим якун сифатида юртдошларимизда мулкдорлик туйғусининг уйғониши ва ривожланиши бозор иқтисодиёти учун алоҳида аҳамиятга эгалигини уқдириш лозим.

Ижтимоий-маънавий соҳада янгиланиш бўйича Президентимиз нутқи матнида келтирилган факт ва далилларни келтириб, талабаларга сўзлаб бериш зарур. Унда жамиятимизнинг интеллектуал савияси уч йўналишга ўргу берилган: 1) Миллий маънавият ва ахлоқнинг тикланиши учун шарт-шароит яратиш. 2) Ижтимоий адолат тамойилларини қарор тондириш. 3) Жамиятимиз асоси бўлган оилани моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлаш. Бу соҳанинг якунида ҳукуматимиз илм-фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун маблағ ҳидириб топишга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ютуқларни ёритишда қуйидаги 5 йўналишни атрофлича очиб бериш кафедра ўқитувчиларига тавсия этилди: 1) Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва иштирокининг юксалиши, мустаҳкамланиши. 2) Ўзбекистоннинг 120 дан ортиқ давлатлар билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатганлиги. Жумладан, Тошкентда 35 мамлакат элчихонаси, 19 давлатнинг ўриндош элчилик қилиши (жами 54 элчихона), 88 хорижий ваколатхоналарини рўйхатдан ўтгани, 24 ҳукуматлараро ва 13 ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг фаолият кўрсатаётгани. 3) Республикамиз кўплаб халқаро конвенцияларга қўшилгани. 4) Республикамиз ташқи алоқаларни таъминлайдиган ташкилий тузилмаларнинг фаолият кўрсатиши. 5) Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий сармоялар (5 миллиард доллар) ҳажмининг ортиши.

Юқоридаги соҳалар бўйича эришилган ютуқларга асосланиб, ўтган 5 йилнинг энг муҳим натижаси халқимиз танлаган йўлнинг тўғрилиги, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишончи ортиб бораётгани эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Дарҳақиқат, жамиятда, иқтисодиётда рўй берадиган туб ўзгаришлар бир зумда бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Мана шу нуқтаи назардан Президентимиз нутқидаги «Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак» матнини айнан сўзма-сўз келтириб, ёшларни бу масалаларда чидам, бардошлик, собит қадамлик хислатлари билан иш тутишга ундаш керак.

Босиб ўтилган йўлни танқидий таҳлил этиш ҳамда бажарилган ишларга баҳо бериш — керакли сабоқ, хулосалар чиқара олиш имконини бериш, демократик ислоҳотлар ва тараққиёт йўлидаги асосий, энг муҳим муаммоларни аниқлаб олишда кўмаклашиши тўғрисида сўз юритиш жоиз.

Ислоҳотларни ҳозирги босқичда эришилган натижаларга танқидий баҳо беришдан келиб чиқиб, демократия ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўналишлари белгилаб олинганлигининг беқиёс аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиш зарур.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги сиёсий ислоҳотлар иқтисодиётдаги, турмушимизнинг бошқа соҳаларидаги ислоҳотларнинг қўламлари ва самарадорлигидан орқада қолганини таъкидлаб, юртбошимиз сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифалари ва дастури тўғрисида батафсил сўзлаганларини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Бу борада сиёсий институтлар ва суд тизими ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг айрим йўналишлари, жумладан, инсон ҳуқуқини ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини таъминлаш, конституциявий мезонлар доирасида фаолият кўрсатадиган мухолифатни вужудга келтириш, матбуот ва ахборот воситаларини ҳақиқий тўртинчи кучга айлантириш, қонунчилик механизмини такомиллаштириш, суд ислоҳотларини чуқурлаштириш каби долзарб муаммоларни ҳал этишнинг аниқ дастури таклиф этилганини ва уларни мамлакатимиз ривожланишидаги улкан аҳамияти ҳақида гапириш лозим.

Албатта, ҳар бир устоз талабаларига тушунтириш йўлини ўзи топади. Шунинг учун ҳаммага бир хил услуб таклиф этиш ҳақиқатдан йироқ гап. Аммо Президентимиз нутқида қайд этилган асосий масалаларни алоҳида йўналишлари бўйича тушунтиришда биз қўллаган усуллар бошқа касбдошларимизга ҳам наф келтиришига ишонамиз. Чунки мақсадимиз бир — ватанпарвар, Ўзбекистоннинг буюк келажагига хизмат қилувчи мутахассисларни тайёрлашдир.

Нафисахон МУҲИБОВА,
Назарбой БОЗОРБОЕВ,
техника фанлари номзодлари.



Тошкент шаҳридаги 123-ўрта мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Мукаррама Алимова номини ҳамкасблари алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Негаки, у ҳар доим ўқувчилар қалбига йўл топа олади.

Ушмундоқ дарсларнинг бирида муҳрланган бу суратда муаллима Мукаррама Алимова ўғил-қизларга Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг сурурли ёшлиги ва болалик йиллари, унинг саъй-ҳаракати билан обод этилган қишлоқлар, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро ва Ясси (Туркистон) сингари қадимий шаҳарларда қад ростлаган маҳобатли ва муаззам иморатларнинг тарихий аҳамияти ҳақида мароқ билан сўзлаб беряпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ҳунарли хор бўлмас

РАНГ-БАРАНГ МОДЕЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Куни кеча болаларимизнинг севимли масканларидан бири — Тошкент ўқувчилар техник ижодиёти марказида янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Мурта-зо СУЛТОНОВ иштирок этиб, айни кунда Ўзбекистонда ҳунар таълими соҳасида амалга оширилаётган яхши ишлар хусусида йиғилганларга сўзлаб берди.

Йиғилиш сўнгида ўқувчилар марказ устахоналарига йўл олиб, тенгқурлари ўз қўллари билан ясаган ранг-баранг моделларни мириқиб томоша қилишди.

Мухбиримиз.

Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам

ТАЪЛИМ АСОСИ

34-дарс. Кичик у ҳарфи, ун , унум сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

35-дарс. У ҳарфини мустаҳкамлаш. Матн ўқиш. Луғат: ин, уч, тулки, тулкичалар, тухум.

36-дарс. Катта У ҳарфи ва «У нима?» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

37-дарс. Д товуши ва д, Д ҳарфлари. «Дор» ўйини мавзусида суҳбат.

Луғат: думбира, дутор, дўппи, девор. Синфдан ташқари ўқиш.

38-дарс. Кичик д ҳарфи ва дон, дала, дада сўзларини ёзиш.

39-дарс. «Дулдул от» матнини ўқиш. «Сўз яса» ўйини.

40-дарс. Катта Д ҳарфи ва «Дамин далада» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

41-дарс. нг товуши ва нг, НГ ҳарфи. Сўзларни ўқиш. Луғат: чанг, мингоёқ, тилла, олтин.

42-дарс. Нг ҳарфлари ва тонг, отанг сўзларини ёзиш.

43-дарс. «Тонгда» расми бўйича суҳбат. Матнни ўқиш. «Олтин олма, дуо ол» ҳикматли гапнинг маъносини тушунтириш.

44-дарс. Тонг, тонгда сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

45-дарс. К товуши ва к, К ҳарфлари. Луғат: курка, какку, каптар, капалак, камар. «Бу қайси парранда» ўйини. Синфдан ташқари ўқиш.

46-дарс. Кичик к ҳарфи ва какку сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

47-дарс. Ака-ука матнини ўқиш. Ким? нима? қимда? нимада? суроқларига жавоб бериш. «Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл» (Мақол).

48-дарс. Катта К ҳарфи ва «Комил ким?» гапини ёзиш.

49-дарс. Ў товуши ва ў, Ў ҳарфлари. Расмга қараб суҳбат. Луғат: кўк, кўм-кўк, кўлмак, тўнка, тўти. «Номини топ» ўйини.

50-дарс. Кичик ў ҳарфи ва ўт, ютин сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

51-дарс. «Кўл» мавзусида суҳбат. Луғат: ўрдак, ўрдакча, ўрмон, ўлка, Ўзбекистон.

52-дарс. Катта Ў ҳарфи ва «Ўктам ўт ол» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

53-дарс. Е товуши ва е, Е ҳарфлари. «Эчки билан кирпи» расми бўйича суҳбат. Луғат: кирпи, типратикан, эчки, улоқча, эшак. Синфдан ташқари ўқиш.

54-дарс. Кичик э ҳарфи ва элак, этик, мен сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

55-дарс. «Кема келди» шеърини ўқиш ва ёд олиш. Луғат: кема, елкан, қайиқ, эшкак, «Телефон» ўйини. (Топишмоқ: Элакдан ун эланди, супра унга беланди).

56-дарс. Катта Е ҳарфи ва елим сўзини ёзиш. Шаклларни буяш.

57-дарс. Б товуши ва б, Б ҳарфлари. «Бекинмачоқ» мавзусида расмга қараб суҳбат. Луғат: бино, булут, бодом, белбоғ. «Отинг нима?» саволига ҳар бир ўқувчининг жавоби.

58-дарс. Кичик б ҳарфи, булут, бола сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

59-дарс. Расмга қараб суҳбат. Матнни ўқиш. «Ким қайда?» суроғига жавоб ўйини.

60-дарс. Катта Б ҳарфи ва «Булол келди» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

61-дарс. Й товуши ва й, Й ҳарфлари. Расмга қараб суҳбат. Луғат: кийик, кийик, оёқ, йил, йўлка. «Ким тез топади?» ўйини. Синфдан ташқари ўқиш.

62-дарс. Кичик й ҳарфи ва йул, ўйин сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

63-дарс. «Майдончада» мавзусида суҳбат. Луғат: майдон, майдонча, майса, майна, қўйлак, йўл-йўл мато. «Бугинлардан сўзлар туз!» ўйини.

64-дарс. Катта Й ҳарфи ва «Ямин ўйнади» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

65-дарс. Р товуши ва р, Р ҳарфлари. «Экран қаршисида» мавзусида суҳбат. Сўзларни сидирга ўқиш машқи. Луғат: телеэкран, қуркам, чиройли, куртак, минора.

66-дарс. Кичик р ҳарфи ва ром, арра сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

67-дарс. «Робот» матнини ўқиш. Саволга жавоб бериш. Луғат: робот, темир одам, ракета, билимдон.

68-дарс. Катта Р ҳарфи ва «робот-билимдон» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

69-дарс. Қ товуши ва қ, Қ ҳарфлари. Расмдаги нарсаларнинг номини айтиш. Луғат: қирғовул, қунғиз, қисқичбақа, қармоқ. «Сўз туз!» ўйини. Синфдан ташқари ўқиш.

70 дарс. Кичик қ ҳарфи ва қалам, қурбақа сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

71-дарс. Расмга қараб суҳбат. «Оқмомо» шеърини ўқиш ва ёд олиш. Луғат: буви, момо, дуо, илоё, омад.

72-дарс. Катта Қ ҳарфи ва «Қобил қалам олди» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

73-дарс. С товуши ва с, С ҳарфи. Расмдагиларнинг номини айтиш. Луғат: сандиқ, саримсоқ, сариқ, текис. «Соат неча?» ўйини.

74-дарс. Кичик с ҳарфи ва салқин, иссиқ сўзларини ёзиш ҳамда шаклларни буяш.

75-дарс. «Салом-алик» матнини ўқиш. «Одоб олтиндан қиммат» мақолини ёд олиш. Луғат: салом, ассалом алайкум, кекса, аста.

76-дарс. Катта С ҳарфи ва «Собир салом берди» гапини эшитиб ёзиш.

77-дарс. З товуши ва з, З ҳарфлари. Расмга қараб суҳбат. Тоза-озода, қуркам-чиройли, қисқа-узун сўзларини топиб айтиш.

Луғат: зина, зинапоя, замбил, замбил-ғалтак, бозор, тарози, Синфдан ташқари ўқиш.

78-дарс. Кичик з ҳарфини ва зина, зийрак сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

79-дарс. «Донолар айтадилар» ҳикматли сўзларини ўқиш ва ёд олиш. Луғат: азиз, азамат, суз, сўзла, кўз, кўзла.

80-дарс. Катта З ҳарфи ва «Зебо зийрак қиз» гапини ёзиш.

81-дарс. В товуши ва в, В ҳарфлари. Расм бўйича суҳбат. Луғат: макон, манзил, вазифа, дарвоза. «Сўз топ!» ўйини.

82-дарс. Кичик в ҳарфи ва ватан, айвон сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

83-дарс. «Она-Ватан» матнини ўқиш. «Ватан — она, остонаси-олтин» мақолини ёд олиш.

84-дарс. Катта В ҳарфи ва «Васила тарвуз олди» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

85-дарс. Г товуши ва г, Г ҳарфлари. Луғат: гузар, гилам, газлама, ўгит, гугурт. «Сўз туз!» ўйини. Синфдан ташқари ўқиш.

86-дарс. Катта Г ҳарфи ва «Гулсум гул экди» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

87-дарс. «Гулзор» матнини ўқиш. Тез айтишни ёд олиш.

88-дарс. Ғ товуши ва ғ, Ғ ҳарфлари. Луғат: ғўра, оғиз, оғайни, тоғ, оға. «Сўз туз!» ўйини.

89-дарс. Кичик ғ ҳарфи ва ғоз, қоғоз сўзларини ёзиш.

90-дарс. «Ғоз» шеърини ўқиш. Тез айтишни ёд олиш.

91-дарс. Катта Ғ ҳарфи ва «Ғани билан Ғулом дўст» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

92-дарс. П товуши ва п, П ҳарфлари. Луғат: полиз, патир, патнис, пайпоқ, ипак. Синфдан ташқари ўқиш.

93-дарс. П ҳарфи ва паст, пиёз сўзларни ёзиш. Шаклларни буяш.

94-дарс. «Дастёр қиз» матнини ўқиш. «Орасталикни одат қилинг» ҳикматли сўзни ёд олиш.

95-дарс. Катта П ҳарфи ва «Попук ораста қиз» гапини ёзиш. Шаклларни буяш.

96-дарс. Ҳ товуши ва ҳ, Ҳ ҳарфлари. Расмга қараб суҳбат. Ҳикматли сўзларни ўқиш ва ёд олиш.

97-дарс. Ҳ ҳарфи ва Ҳикмат, меҳнат сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

98-дарс. «Суҳбат» матнини ўқиш. Мақолни ёд олиш.

99-дарс. Катта Ҳ ҳарфи ва Ҳури, Ҳулкар, Ҳалим сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

100-дарс. Ш товуши ва ш, Ш ҳарфи. Шеърни ўқиш ва ёд олиш. Луғат: шафтоли, шинам, ошна, шоли, шилликқурт. Синфдан ташқари ўқиш.

101-дарс. Ш ҳарфи ва шодлик, шаршара сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

102-дарс. «Алишер Навоий» матнини ўқиш. Ҳикматли сўзни ёд олиш. Луғат: ошхона, шеър, шарафли, шона.

103-дарс. Катта Ш ҳарфи Шамси, шамол сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

104-дарс. Ф товуши ва ф, Ф ҳарфи. Ф иштирок этган сўзлар ўйлаб топиш. Ҳикматли сўзларни ёд олиш. Луғат: пуффак, офтоб, атроф.

105-дарс. Ф ҳарфи ва фасл, фарзанд сўзларини ёзиш. Шаклларни буяш.

106-дарс. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» шеърини ўқиш ва ёд олиш. «Сўзлар туз!» ўйини.

107-дарс. Катта Ф ҳарфи ва Фарида, Фазилат, Ориф сўзларини ёзиш.

108-дарс. С товуши ва си, Сн ҳарфлари. Расмларга қараб, «қиш» мавзусида ҳикоя тузиш. Шаҳар, туман номларини ёд олиш. Луғат: уч, уч кун, учувчи, чумоли, чигиртка.

АМИР ТЕМУР

(шеърий романдан парча)



Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг «Амир Темур» шеърий романи Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш ва ҳозирлик кўриш ташкилий қўмитаси илмий-бадиий кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилди. Маснавий жанрида ёзилган мазкур асарда Темур тимсоли марказий ўринда туриб, муштарийлар учун катта маърифий аҳамиятга эга. Тўйга тўёна қабилида ушбу романдан айрим лавҳалар эътиборингизга ҳавола этилаётир.

ТЕМУРНИНГ ШАРҚҚА ЮРИШ РАҒБАТИ ВА БУ ЙЎЛДАГИ САЪЙУ ҲАРАКАТИ

Бир жойда тўхтамас соҳибтафаккур,
Фикрат олмосидан доим тешар дур.
Мўғул ва Жатонинг ерига яқин,
Турарди Ашпара қалъаси тағин,
Айтай жангтоҳ учун қурилган қўрғон,
Уни бино қилиб Муҳаммад Султон,
Амир Арғуншоҳни қолдириб ҳоким,
Кейин қайтган эди Самарқанд токим,
Валиаҳд мисоли юритишга иш,
Айтгандек туғилиб яна бир ташвиш,
Келишиб Сайфиддин амирла бирга,
Охири тан бериб қисмат тақдирга.
Гўзал оқшаҳарда ўлди валиаҳд,
Насиби бўлмади Темур айтган маҳд.
Хуросонда эса Сайфиддин Амир,
Юмди бу оламдан кўзини ахир.
Темурни жувонмарг валиаҳд ғами,
Ўртади, йиғлади келиб алами,
Темур лашкарлари қора кийишиб,
Ҳазил-ҳузуллардан тилни тийишиб.
Мотам билан бўлиб бутун элат банд,
Қорага бурканди тамом Самарқанд.
Ўзи қурган гўзал мадрасада пок,
Охири бўлди у насибайи хок.

Бошига тушса ҳам кулфатлар бисёр,
Темурни синдира олмади зинҳор.
Хитойга юришин билиб мўғуллар,
Титрашди келмасдан мисоли қуллар.
Юртларини ташлаб қочишга тайёр,
Турарди мўғуллар бари ғамгусор.
Ғалаба қадаҳи майини сунди,
Бу гапни эшитиб Темур суюнди.
Оллоҳдод бош бўлган қудратли карвон,
Етди Самарқандга бехавф, безиён.
Лекин ҳар кимсада бўлгандек рақиб,
Уни ҳам ғайирлар айлади таъқиб.
Темурга дейишди: «Ул бедиёнат,
Подшолик мулкига этиб хиёнат,
Олди хазинадан ҳисобсиз тилло,
Ҳаром қули билан демай бисмилло».
Ҳасаддан айтса-да ғаним, иғвогар,
Ҳисобсиз олганди у ғавҳару зар,
Улар айтганидан балки зиёда,
Ҳеч ким ўмармаган ундоқ дунёда.
Темурхон изидан юбориб фармон,
«Бор, — деди кечикмай Ашпара томон.
Ҳокимликни олиб зуд Арғуншоҳдан,
Ғанимга ғўр қазиб тургил жангтоҳдан».
Самарқанд шаҳрига қайтди Арғуншоҳ,
Темурга етгунча раҳмати оллоҳ.
Ашпарада қолди муқим Оллоҳдод,
Бандалар кунглини худо этсин шод.

ТЕМУР АМРИ БИЛАН ЧИН-МОЧИН САРЗАМИНИ ХАРИТАСИНИ ОЛЛОҲДОД ЧИЗИБ ЮБОРГАНИ

Темур Рум ерида тикканда чодир,
Ҳис этди дунёни олмоққа қодир.
Йўқ, эди рости гап бугунги кунда,
Унга тенг бир подшоҳ рубъи маскунда.
Тарқаган мўғулу бағайри Хитой,
Шарқу Ғарб қолмади бирорта сарой,
Ё Темур қадами етмаган бўлсин,
Темурга ё қуллуқ этмаган бўлсин.
Шу боис орзую ўйлари марғуб,
Юбориб Олоҳдод нойибга мактуб:
«У ер муҳитини қилгил деб баён,
Сиру синоатин айла деб аён.
Қаерда қалъа-ю қайда қўрғон бор,
Қаер биёбону қаер ўрмонзор?
Қаерда тоғу тош, қаерда ғорлар,
Қаерда денгизу дарё, анҳорлар?
Не хил элат билан не уруг-аймоқ,
Сокин аҳолими ёки урушқоқ.
Барини зикр этиб бўлмай сўзамол,
Юборгил мухтасар, гўзал шарҳи ҳол.
Ҳамда қиёфасин чизиб ўхшатиб,
Барини юборгил айлабон хатиб.
Бу ишдан ҳеч кимса топмасин хабар,
Келтирсин ишончли бир махфий чопар».
Оллоҳдод фармонга қилиб итоат,
Шундоғ иш тутдики баҳусни ҳайрат.
Барини қоғозга тушириб бир-бир,
Этдирди ҳар неки борини тасвир.
Елимлаб бир неча тоза қоғозни,
Чақириб мусаввир доно устозни,
Харита чиздириб ҳамда шарҳ айлаб,
Етгач меъёрига ўраб, авайлаб,
Темурга юборди кечиктирмай бот,
Иш кўзини билган доно Оллоҳдод.
Темур айтгандан ҳам бўлиб зиёда,
Йўқ эди бу янглиғ тимсол дунёда.
Балки бу чизилган илк харитадир,
Тарихи ё ундан сал наридадир.
Боқиб харитага, айлаб тасаввур,
Аён кўра олди барини Темур,
Юзида табассум жангнинг даҳоси,
Тешиб ҳар ғуҳарни фикри олмоси,
Мушоҳада этди барчаси тўкис,
У хуштор, дунёчи эди гўзал қиз.
Хитой ўша қизга бир зевар эди,
Темур бу дунёни кўп севар эди.

Тиб илми — эл илми

Инсон дунёга келибдики, узидан яхши амаллар қолдириш ҳақида ўйлайди, барча машаққатларга дош беради. Ҳаётнинг гоҳида аёзли, гоҳо сел-бўрон, гоҳ жазирама саратонига дуч келади ва бир жойда қўқаради, илдизи бир жойдан озиқланади. Бу эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Кучли ирода, жасорат эгалари шаънига «бир жойда қўкарибди» деган сўз ишлатилади.

Эндигина тиббиёт институтини аълога тугатиб, Йўлдош Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юртида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган нозиккина Турсунхонга билим юрти директори (раҳматли) Раҳим Мирҳужаевич:

— Қизим, ўз касбингга меҳр қўйсанггина кишилар ўртасида обру-эътиборга сазовор буласан, бир жойда қўкарасан. Бундан ҳам дилинг яйрайди, кучингга куч қўшилаверади, — дердилар доим.

Устознинг насиҳатини дастуриламал қилиб олган Турсуной ҳақиқатан ҳам кам бўлмади. Шу билим юртида оддий ўқитувчи бўлиб иш бошлаган қиз 1974 йилда билим юртининг услубчиси, сўнгра ҳамшира бўлимининг бошлиғи даражасига кўтарилди.

У олий ўқув юртида олган билими билангина чегараланиб қолмайди. ТошМИ қошида ҳамда Ленинградда малакасини ошириб қайтди. Турмуш қурди. Турмуш ўртоғини (дарвоқе, у киши, Аббосхон Умаров ҳам шифокор) Сурия Араб Республикасига ишга таклиф қилишди. Турсуной ҳам у билан бирга жўнади. У ерда ишлади, малакаси ошди, дўстлар орттирди. Энг асосийси, кишилар саломатлигини тиклашга ўз ҳиссаларини қўшишди. Қайтиш олдидан «Элчи фахрий ёрлиғи» билан тақдирландилар.

Чет элдан Турсуной қадрдон илм даргоҳига катта тажриба билан келди. У янгиликни кўра олиши, ҳаммага бирдай муомаласи, ғайрат билан ишлаши, билим юртидаги таълим-тарбия жараёнини яхшилаш учун айтган таклифлари билан бошқалардан ажралиб турарди. Шу фазилатларини ҳурмат қилган раҳбарият, жамоа уни бир овоздан директорлик лавозимига кўтаришди. Устоз нафақага чиқиш олдидан яна Турсунойдан узининг панд-насиҳатларини аямади. Мана орадан ўн йил ўтди. Бу йиллар ичида у билим юртининг моддий-техника базасини яхшилади, ўқитиш жараёнида янги услубларни жорий этди.

Билим юртини ҳар йили 600-700 нафар фельдшер-лаборант, санитар-фельдшер, табобат ҳамшираси, фармацевтлар битириб чиқади. Билимдон мутахассисларни тайёрлашда замонавий воситалар билан жихозланган 34 кабинет, 19 та лаборатория, компьютер ва лингафон хоналари, ички телевидение катта ёрдам бермоқда.

Билим юрти Янгиер, Гулистон, Жиззах, Дўстлик, Ғаллаорол тиббиёт билим юртларини ҳам оталиққа олган.

Эндиликда ўқув жараёни тўла давлат тилида олиб борилмоқда. 3 та мутахассислик бўйича янги ўқув режалари тузилган. Ўқитувчилар томонидан 40 га яқин фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Республиканинг тиббиёт билим юртларида ана шу дастурлар асосида иш юритилмоқда. Ўтган давр ичида билим юртининг моддий базаси сезиларли даражада бойиди. 2 та ётоқхона, ўқув биноси таъмирланди. Машғулот ўтказиш хоналари 11 тадан 34 тага кўпайди. Илгари лабораториялар 12та бўлган бўлса, бугунги кунда 19 тага етди. Билим юрти базасида республика тиббий билим юртлари директорлари Кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Таълим ва тарбия ишларини 116 нафар ўқитувчи олиб боради. Бугунги кунда ўқитувчилардан Г.Г. Тасхўжаев, Ю.Ш. Юнусов, А. Ғаниев, М.Х. Муҳиддинов, Т. Ф. Обухова, А. Отабекова, С. Р. Медведкова, Н. Сайидалиев, Н. Шораҳмедова, О. У. Магдиева, Х. Шукурова, М. Иброҳимова, Ю. Абдуҳакимова ва бошқалар билим юрти олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Уларга ғайратли, ишбилармон Турсуной Умарова бош-қош. У Тошкент шаҳар кенгашининг депутати, Республика Соғлиқни сақлаш комитети аъзоси, республика билим юртлари кенгашининг директори, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил қилинган илмий-методик кенгаш раиси. Опа 1995 йил март ойида Швецияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг III-анжумани иштирокчиси бўлганди. «Анатомия физиология асослари ва паталогияси», «Модулли ўқитиш услубини ва рейтинг тизимини ўқув жараёнида қўллаш» каби қўлланмалар Турсуной Умарова изланишлари маҳсулидир.

Бизнинг ёш мустақил юртимизда меҳнат қилган киши ҳеч қачон сояда қолиб кетмайди. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз Турсуной опанинг тиббиётни ривожлантиришдаги хизматларини инобатга олиб «Шухрат» медали билан тақдирлади. Бу юксак мукофотдан руҳланган Турсуной Умарова «Тиб илми — эл илми» деб елиб югурмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ.
Суратда: Турсуной Умарова.

Ўғилой Муҳамедова ўзининг бугун умрини санъатга бағишлади. Ёпликдан рақсга бўлган муҳаббат уни хореография билим юртига етаклади. Кўп йиллар М. Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» Давлат рақс ансамблида солистка сифатида фаолият кўрсатди. Унинг юксак даражадаги хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди. Дастлаб у «Бўлбулча» ансамблида балетмейстер бўлиб ишлади, сўнг Тошкентдаги 260-мактабда «Мукаррама» деган янги рақс тўгарагини ташкил қилди. Уч йил ичида бу жамоа туман ва шаҳар миқёсида довруг қозонди. Кўрик-танловларда етакчи ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Айни кунда туман, шаҳардаги байрамлар уларсиз ўтмайди.

Суратда: Ўғилой «Мукаррама» рақс дастасининг ёш раққосалари билан.

Р. Альбеков олган сурат.

Шахмат оламида

ЎХШАТИШ

Гроссмейстер Смисловнинг овози жуда ширали эди. М. Талнинг тренери Александр Кобленц Партторожда ўтказилган зоналараро турнирга келган эди. У бўш вақтларида рус ва итальян тилларида хониш қиларди. Бир куни ногоҳ унинг олдига бир аёл келиб:

— Жуда мазза қилдим, раҳмат! Қўшиғингиз менга бир улкан санъаткорни эслатди, — деди.

— Энреко Каразунимми? — деди эриб кетган Кобленц.

— Йўқ, Василий Смисловни, — деб жавоб берди аёл.

ВАҚТНИНГ ЎТИШИНИ ҚАРАНГ

АҚШ чемпионатларининг бирида мастер Шервин устма-уст ютаверди. Гроссмейстер Решевский ҳам ундан қолишмади. Мусобақа ўрталарида Решевский Шервинга шундай деди:

— Шу тариқа кетадиган бўлсангиз, сизни ўзим тўхтатишим керак бўлади.

— Эҳтимол, — деди Шервин,- лекин аксинча бўлиб чиқса-чи?

— Минг йилда ҳам ундай бўлмайди,-деди гроссмейстер. Бир неча кундан сўнг улар ўзаро куч синашганда Решевский бой бериб қўйди:

— Вақтнинг тез ўтишини қаранг-а, гроссмейстер,- деди кулиб Шервин.

У. АҲРОРОВ тайёрлади.

БЎРИ БИЛАН ОЛИШУВ

Ҳикоя

Ҳар сафаргидек Шарифнинг отаси — Эшмат чўпон сурувини ҳайдаб Қизилқоя яйловига чиқди. Ёзги таътил бўлганидан Шариф ҳам, ўтган ёздагидек сурувга эргашди. Қизилқоя шундоқ Бойсунтоғ этагида бўлиб, ростдан ҳам атрофи қизил қоялар билан ўралган. Турли-туман ажойиботлар билан кишини ром қиладиган бу ерда ёввойи писта, бодом, жийдадан то доривор усимликларгача бор. Ҳар йили Шариф бу ерга келиб ифор, равоч, такасоқол ва бошқа турли-туман доривор ўтлардан теріб, қайтишда овулларига олиб қайтади. Айниқса, қанотлиқанотсиз жониворларнинг кўплиги Шарифни қизиқтиради.

Чўпонлар ўртасида Қизилқояда тарғил бўри бор деган гап тарқалди. Бу гап рост эди. Шарифларнинг қўтонига яқин бўлган бир чўпоннинг сурувига бўри оралаб, қўйларга қирон келтириб кетибди.

— Улим, эгнингдан милтиқ тушмасин, — деди Эшмат чўпон Шарифга тайинлаб. — Ишониб бўлмайди, бирорта адашган қашқир йўқ, деб бўлмайди.

Эшмат чўпон янглишмаган экан. Тун ярмида Қизилқоянинг хув нариги бетида бир нарсанинг чўзиб-чўзиб увлагани эшитилди. Қўй итлари ҳуришиб қолишди. Ит товушиданми, увлаган овоз тинди.

— Биласизларми, йўқми, бўри кундуз кунлари пана жойга кириб дам олади, кечаси ов қилади. Қилар ишини кўпинча тун ярмида амалга оширади, — дея огоҳлантирди Эшмат чўпон. — Бўрилар ҳақида шундай ривоят оғиздан-оғизга кўчиб юради: Бўри ҳид билмасмиш, уясидан чиққанда оғзини очиб чиқиб, олдидан дуч келган нарсага ҳужум қилармиш. Бундан ташқари, эшак ёки туяни ейишдан олдин, унга роса эркаланиб, тумшуғини ҳидлаб олдида ағанаб, гўё ўзини унга яқин кўрсатармиш. Бу гап қанчалар рост-ҳам юлғунлар орасида ҳеч нарса кўринмади. Эшмат ака тўнғич ўғли Али билан биргалашиб сойликка разм солди. Бир нарса қўймичини ерга бериб, шу томонга қараб турарди. Олапар узоқдан туриб шу томонга бетиним ҳурарди. Шариф ҳам бир ўзи қўшда қолишдан чўчиб, отаси, акаси юрган тарафга таёқни судради. «Итдан ҳам хайиқмайди-ей» деган отасининг гапини эшитиб, «демак, қўйга бўри келибди» деган фикр миясидан ўтди. У ҳам пастликка қаради. Кўриниши итдан бўйдор, думи узун бир нарғалган, ҳар ҳолда оғиздан-оғизга кўчиб юради...

Ойдин кеча. Шарифлар оловга исиниб узаро суҳбат қуришиб ўтирган эди. Негадир, Олапар безовталаниб қирга бир тушиб, бир чиқиб ҳаллослади. Эшмат ака сергакланди. Қўшоғизга эҳтиётдан ўқ жойлади. Сурув ҳам сёққа қалқди.

— Ота, Олапарга нима бўлди? Нега қўйлар туриб олишди, ўзи нима гап? — деди Шариф қизиқиб. Эшмат ака қўлини оғзига олиб бориб, «тиш» деб қўйди. Аста ўрнидан туриб Олапар ҳаллослаган тарафга қаради. Ойдин тун бўлса ҳам ёлғон, ҳар ҳолда оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган гаплар ростмиш. Бир ўзи қўтонда қолишдан чўчиди. Сурувни шундоқ ўнгирга ҳайдашиб, ўзлари эса икки ёнини олишиб, таёқ суянишиб туришди. Қўйларни ёйувга ҳайдаб чиқиш қашқирларга қўл келади. Чунки сурув ёйилиб ўтлайди, уларга қирон келтириш осон.

Негадир Олапар, кўшни отар итлари олдига кетганми, атрофда кўринмасди. Бир маромда ўтлаётган қўйлар оёқларини ерга тап-тап уришиб, ўтлашдан тўхтади. Эшмат ака шундай кезларда осмонга милтиқ бўшатарди. Ўқдонда иккиган бўри ўзини бир четга олиб қочди. Унинг ўзини олиб қочгани чўпонга фойда бўлди. Чунки сурувнинг ўртасида ўқ отиб бўлмасди. Милтиқ овозидан бутун Қизилқоя ларзага келди. Чўпон итлари ҳуриб, қаёқдандир Олапар ҳам етиб келди. Устма-уст отилган ўқдан белини ололмай, улар ҳолатга келган тарғил бўрини Олапар югуриб бориб чўққисига оғиз солиб бир четга улоқтирди. Ўқ зарбидан шинг-шинг қилаётган бўри бир ёнбош бўлиб чўзилди. Эшмат ака заранг таёқни ишга солди. Бу воқеаларни кўриб турган Шариф ҳайратдан оғзи очилиб отаси ва акаси ҳаракатларини жимгина кузатарди.

Алқисса, Қизилқояда сурувларга ором бермай, уларнинг кўпига қирон келтирган тарғил бўрининг куни битган экан. Бу воқеадан хабардор бўлган раҳбарлар Эшмат акани мукофотлашди. Қўйларига қирон келиб, ороми бузилган чўпонлар ҳам биттадан қўй беришди...

Ёзги таътил тугаб, яна ўқишга қайтган Шариф мактабдошларига Қизилқоядаги бўри билан бўлган олишувни оғиз кўпиртириб сўзлаб берди. Эшитмаган болалар эса, ундан яна айтгин деб қисташарди.

Оллоназар УЛУҒОВ,
Қумқўрғон туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси.

Ҳуллас...

ЗАМОНА ЗАЙЛИ

Бизнинг замонда ўзгаларнинг нарсасига ҳатто тегиб кетиш ҳам фожиага олиб келарди. Бунга сочилик нафақаҳўр шахсан иқрор бўлди. Тонг саҳарда ўз нафақаси учун навбат олиб қўйиш мақсадида йўлга чиққан отахон кўча бетида турган автомобилга кўзи тушди. Унинг эшигида тўрхалта осиғлиқ эди. Шайтоннинг васвасаси кучлилик қилдими, у ўз йўлидан бурилди-да, машина ёнига келиб, тўрхалтага қўл чўзди. Ва... Ва бир кечакундуздан сўнг касалхонада кўзини очди. Маълум бўлишича, тўрхалтага портловчи модда солиб кетилган экан. Жабрни нафақаҳўр тортди.

БЕРМУД УЧБУРЧАГИГА ЯНА БИР ШАРҲ

Бермуд учбурчаги ҳақида эшитгансиз. Ундаги сирли йўқолишлар тўғрисида ҳам ўқиган бўлсангиз керак. Дунёнинг бу сирли нуқтаси борасида бир қатор фикрлар, фаразлар айтилган бўлса ажабмас. Мана, сизнинг ҳукмингизга ўша тахлитдаги, лекин яқинда айтилган бир фикрни ҳавола этамиз. Унинг муаллифи австралиялик олим Ричард Сильвестер. Унинг айтишича, Бермуд учбурчаги ғаройиб ҳодисаларнинг асосий сабаби оддий гирдоб. Лекин, у жуда чуқурга кетгани учун кемалар тугул, осмондаги самолётларни ҳам комига тортиб кетади.

ЧАҚМОҚ ЧАҚДИ.

Кудьма дарёси (Нижегород вилояти)да чўмилиш 13-14 ёшли ака-ука учун фожиали тугади. Тўсатдан бошланган ёмғирдан беркиниш учун одеялга ўраниб олган болаларни чақмоқ урди. Улар гарчи тирик бўлишса-да, қаттиқ куйиб қолишди.

ШАРҚОНА ҒАРБИЯТ

АҚШ тарихида биринчи марта бир йўла беш эгизакнинг туғилиши қайд этилди. Бу «квинтет» (бешлик) Алабама штатининг Монтгомери шаҳрида туғилди. «Бостон Глоб» газетасининг таъкидлашича, чақалоқлар жуда иноқ ҳолда, бир-йўғи уч дақиқада дунё юзини кўришган. Уларнинг оналари Эми Филдер Гаттерсон ўзини жуда яхши ҳис қиляпти.

ГУЛЛИТНИНГ ГУЛИ ЯНА ГУЛЛАДИ

Руд Гуллитни яхши биласиз. Машҳур голландиялик футболчи ҳозир Англиянинг «Челси» жамоасида тўп сурянти. Яқинда у Миллий чемпионатнинг энг севимли ўйинчиси мукофотини олди. Жюри мукофотни Гуллитнинг туғилган куни (у 34 га кирди) топширди.

ана шундоқ гаплар.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриет-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456